


ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ: Кўп асрлик дўстлик ришталари янада мустаҳкамланади

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлиб турибди.



15 сентябрь куни Самарқанддаги “Буюк Ипак йўли” халқаро туристик мажмуаси Конгресс марказида Хитой Халқ Республикаси Раисини расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Раиси Си Цзиньпин шохсупага кўтарилдилар. Икки давлат мадҳиялари янгради. Фахрий қоровул тантанали равишда саф тортиб ўтди.

Маросимда икки мамлакат расмий делегациялари аъзолари ҳам ҳозир бўлди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг музокаралари бўлиб ўтди.

➡ 2

ЎЗБЕКИСТОН – РОССИЯ: Ўзаро ишончга асосланган стратегик шериклик

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин 15 сентябрь куни ташриф билан мамлакатимизга келди.



Самарқанд халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни мамлакатимиз Бош вазири Абдулла Арипов кутиб олди.

Шу куннинг ўзида икки давлат етакчилари ўртасида олий даражадаги музокара бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Россия Президентлари икки томонлама муносабатни мустаҳкамлаш, кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган долзарб масалаларни муҳокама қилдилар.

Давлатимиз раҳбари олий мартабали меҳмонни самимий қутлаб, унинг Самарқанд саммитида иштирок этаётганидан мамнунлигини изҳор этди.

➡ 2

Олий даражадаги музокараларда ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 сентябрь куни Самарқанддаги “Буюк Ипак йўли” халқаро туристик мажмуаси Конгресс марказида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Шахбоз Шариф, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров билан учрашувлар ўтказди.



Шавкат Мирзиёев Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Шахбоз Шарифни юртимизга ташрифи билан самимий қутлаб, лақатимиз билан кўп қиррали стратегик шерикликни мустаҳкамлашдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Етакчилар икки томонлама, энг аввало, савдо-қўшма корхоналар сони 200 тага етди. Транспорт ва логистика соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Трансфонт темир йўли лойиҳасини тезлаштириш, савдо учун тўсиқларни бартараф этиш, товарларни ўзаро етказиб бериш учун қулай шароитлар яратиш муҳимлиги қайд этилди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама қилинди. Учрашув очик, самимий ва дўстона руҳда ўтди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевни қадим Самарқандга ташрифи билан қутлаб, Ўзбекистон қадриятлари ва маънавий-маданий мероси муштарак бўлган биродар озарбайжон халқи билан дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини қадрлашини таъкидлади.

Озарбайжон етакчиси, ўз навбатида, давлатимиз раҳбарига таклиф ва самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, стратегик шериклик муносабатлари мисли кўрилмаган юксак даражага чиққанини қайд этди.

➡ 2



Самарқанддаги ШХТ саммитида иштирок этаётгани учун миннатдорлик билдирди.

Шахбоз Шариф самимий қабул ҳамда Покистондаги сув тошқинларидан жабрланганларга кўрсатилган инсонпарварлик ёрдами учун Ўзбекистонга ташаккур изҳор этди. Покистон Ислом Республикаси мам-

иқтисодий, инвестициявий ва транспорт-транзит соҳасидаги ҳамкорлик масалаларини батафсил кўриб чиқди.

Ўзаро савдо кўрсаткичлари ўсиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Ўтган йили улар 47 фоизга, жорий йил бошидан яна 10 фоизга ошди.

Туркия етакчисининг ташрифи дастурида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида фахрий меҳмон сифатида иштирок этиш ҳамда қатор икки томонлама учрашувлар ўтказиш режалаштирилган.

Сўнг Қозоғистон Президенти Ҳазрати Хизр мажмуасида Биринчи Президентимиз Ислом Каримов қабрига гул қўйди.

ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФ БУЮРДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган 15 сентябрь куни Самарқандга келди.

Аэропортда уни Ўзбекистон Бош вазири Абдулла Арипов кутиб олди.

Олий мартабали меҳмон Ҳазрати Хизр мажмуасидаги Ислом Каримов мақбарасига келиб, Биринчи Президентимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди ва қабрига гул қўйди.

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШХТ САММИТИГА КЕЛДИ

Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида иштирок этиш учун 15 сентябрь куни мамлакатимизга келди.

Самарқанд халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Бош вазири Абдулла Арипов ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

ҲИНДИСТОН БОШ ВАЗИРИ САМАРҚАНДГА КЕЛДИ

Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Модди Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида иштирок этиш учун амалий ташриф билан Самарқандга келди.

Аэропортда олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Бош вазири Абдулла Арипов ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Ҳиндистон Бош вазири Ўзбекистон Президенти билан учрашув ўтказди. Унда икки мамлакат ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларининг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ: КЎП АСРЛИК ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

◀1 Мулоқот аввалида давлат раҳбарлари икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги ва стратегик шериклиkning 10 йиллиги муносабати билан бир-бирини қутладилар.

Президентимиз Си Цзиньпинга мазкур ташриф арасида чоп этилган, халқларимиз кўп асрлик ришталар билан боғланганини тасдиқловчи ва дастурий аҳамиятга эга “Хитой — Ўзбекистон муносабатларининг ёрқин келажagini биргаликда барпо этиш” сарлавҳали муаллифлик мақоласи учун чин дилдан миннатдорлик билдирди. Хитой халқи Си Цзиньпин раҳбарлигида эришаётган улкан ютуқларни қайд этиб, Хитой Коммунистик партиясининг бўлажак йигирманчи ялли мажлиси муваффақиятли ўтишини тилади.

Хитой раҳбари, ўз навбатида, Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида улкан натижалар бораётганини таъкидлади.

Хитой Халқ Республикаси Раисининг мамлакатимизга бу галги давлат ташрифи қадимий Буюк Ипак йўлининг чорраҳаси бўлган Самарқандда амалга оширилаётганида ҳам чуқур разийи маъно бор. Бу давлатларимиз ўртасидаги алоқалар бир неча асрлик тарихга эга эканлиги ва ўзаро ишонч, ҳурматга асосланганидан далолатдир. Яна бир эътиборли жиҳати, мазкур ташриф ҳамда давлатларимиз асосий ташкилотчиларида бўлган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг бу галги саммити яқинда бўнбд этилган ва илк бор мана шундай нуфузли халқаро анжуманга мезбонлик қилаётган “Буюк Ипак йўли” туристик мажмуасида ўтказилмоқда.

Етакчилар Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларини атрофича кўриб чиқдилар.

Олий даражадаги мунтазам мулоқотлар тўғайли давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик кенгайиб бораётгани қайд этилди.

Хусусан, ўтган йилда товар айирбошлаш рекорд кўрсаткичи — 8 миллиард долларга етди, жорий йил бошидан бўён эса 30 фоиздан ортиқ ўсди.

Охириги беш йилда Ўзбекистон иқтисодиётига Хитой томонидан жалб қилинган инвестициялар ҳажми 10 миллиард доллардан ошди. Кенг қўламли иқтисодий ҳамкорлик бўйича беш йиллик дастур, иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари ва ижтимоий

соҳада қўшма лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш, бунда электрон тижоратни ривожлантириш, саноат кооперацияси бўйича, энг аввало, автотранспорт, “яшил энергетика”, қишлоқ хўжалиги ва инфратузилма каби соҳаларда илғор лойиҳаларни амалга ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Хитойнинг камбағалликка қарши курашиш, ҳудудларни ривожлантириш ва профессионал кадрлар тайёрлаш борасидаги илғор тажрибасини ўрганиш ҳамда жорий этишни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат раҳбарлари ҳудудлар ўртасидаги алоқаларни фаоллаштириш зарурлигини таъкидладилар. Шу мақсадда жорий йил якунига қадар Ўзбекистонда икки мамлакат ҳудудларининг биринчи форумини ўтказиш таклиф этилди. Бу бежиз эмас, албатта. Айни пайтда юртимизнинг барча ҳудудларида Хитой компаниялари иштирокида йирик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Илм-фан ва маданият соҳаларида ҳам ҳамкорликда йирик лойиҳалар амалга ошириляпти. Таълим тизимидаги алоқалар тўғайли ахборот технологиялари, кимё саноати бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Яқин истиқболда бу борадаги ҳамкорликни яна кенгайтириш зарур.

Минтақамиз тараққиёти ва транспорт жиҳатидан ўзаро боғлиқлиги учун стратегик аҳамиятга эга Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилишини бошлаш тўғрисида тарихий келишувга эришилгани катта мамнуният билан таъкидланди.

Гуманитар ҳамкорлик, шу жумладан, соғлиқни сақлаш, вакциналар ишлаб чиқариш, фан, таълим ва маданият соҳаларидаги қўшма дастурларни кенгайтириш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Келгуси йилда ўзаро дўстлик ва англашувни янада мустаҳкамлашга хизмат қиладиган Ўзбекистон ва Хитой халқлари маданияти ҳамда санъати йилини ўтказишга келишиб олинди. Бу борадаги тарихан қарор топган дўстлик алоқаларини илмий асосда ўрганиш ва тадқиқ этиш лозим.

Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан батафсил фикр алмашилди.

Афғонистонда тинчлик жараёниги ва иқтисодий тикланишга қўмаклашиш борасидаги саяё-ҳаракатларни, халқаро ҳамда минтақавий тузилмалар, жумладан, “Марказий Осиё —

Хитой” механизми доирасида тизимли ҳамкорликни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Хитой етакчиси Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти раиси сифатидаги фаолиятини, бунинг натижасида ташкилотни кенгайтириш ва халқаро нуфузини мустаҳкамлаш бўйича муҳим қарорлар қабул қилинганини юксак баҳолади.

Музокаралар якунида Си Цзиньпин Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевни жавоб ташрифи билан Хитойга боришга таклиф этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг самарали музокараларидан сўнг икки томонлама ҳужжатларнинг салмоқли тўплами қабул қилинди.

Давлат раҳбарлари Қўшма баёнот имзолادилар. Унда асосий келишувлар қайд этилган, ҳар томонлама стратегик шериклиkning бугунги ҳолати ва уни мустаҳкамлаш истиқболлари акс этган.

Шунингдек, олий даражадаги ташриф доирасида 15 та ҳужжат имзоланди. Шу жумладан:

— “Яшил” тараққиёт соҳасидаги инвестициявий ҳамкорлик тўғрисида меморандум;

— Рақамли иқтисодиёт соҳасидаги инвестициявий ҳамкорликни мустаҳкамлаш тўғрисида меморандум;

— Фойдала қазилмаларни ўзлаштириш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида меморандум;

— Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум;

— Қурилиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум;

— 2022 — 2025 йилларда маданий алмашинув дастури;

— Миллий ахборот агентликлари ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Самарқанд вилояти ва Шаньдун провинцияси ўртасида шериклик алоқаларини ўрнатиш тўғрисида битим;

— Тошкент вилояти ва Чунцин мегаполиси ўртасида шериклик алоқаларини ўрнатиш тўғрисида битим;

— Бухоро вилояти ва Юньнань провинцияси ўртасида шериклик алоқаларини ўрнатиш тўғрисида битим;

— Бухоро ва Куньмин шаҳарлари ўртасида шериклик алоқаларини ўрнатиш тўғрисида битим.

Шунингдек, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликка доир умумий қўймаги 15 миллиард долларлик келишувларга эришилди ва битимлар имзоланди.

Шундан сўнг Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпинга Ўзбе-

кистон Республикасининг олий давлат мукофоти — “Олий Даражали Дўстлик” орденини тантанали равишда топшириш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ушбу мукофотни топширар экан, Хитой Раиси халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ришталари ва ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатлари, ишонч ва ўзаро англашувни мустаҳкамлашга, иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтиришга улкан ҳисса қўшганини қайд этди.

Биргаликдаги саяё-ҳаракатлар ва Хитой етакчисининг алоҳида эътибори тўғайли мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар мисли кўрилмаган юксак даражага чиққани, мукамал ва жадал тус олгани таъкидланди. Савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликка оид кенг қўламли дастур ва лойиҳалар фаол амалга оширилаётгани эътироф этилди.

Си Цзиньпиннинг Ўзбекистон Республикасининг олий мукофоти билан тақдирланиши унга халқаро миқёсдаги давлат ва сиёсат арбоби сифатида чуқур ҳурмат-этиром инфодасидир.

Хитой Раиси “Олий Даражали Дўстлик” орденига сазовор бўлган биринчи хорижий давлат раҳбари бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин сармахсул музокаралардан сўнг Самарқанддаги “Буюк Ипак йўли” халқаро туризм маркази боғида биргаликда дарахт экдилар.

Бу дўст мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга муштарак интилишларнинг навбатдаги рамзи бўлди.

Умуман, Хитой Халқ Республикаси Раисининг мамлакатимизга бу галги ташрифи Хитой ва Ўзбекистоннинг қадимий Буюк Ипак йўли орқали боғланган дўстлик, ҳамкорлик алоқаларини янги “Буюк Ипак йўли” мажмуасида янада мустаҳкамлаб, ривожлантиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Хитой Раиси 16 сентябрь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари.

ЎЗБЕКИСТОН – РОССИЯ: ЎЗАРО ИШОНЧГА АСОСЛАНГАН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК

◀1 Владимир Путин, ўз навбатида, Шавкат Мирзиёевга ҳар доимгидек самимий меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдирди, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик турли даражада жадал ва самарали ривожланиб бораётганини юксак баҳолади.

Кейинги йилларда кўп қиррали Ўзбекистон — Россия шериклиги мисли кўрилмаган юқори даражага кўтарилгани эътироф этилди.

Дарҳақиқат, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий алоқа кенгайиб бормоқда. Биргаликдаги саяё-ҳаракат натижасида товар айирбошлаш миқдори икки баробардан зиёд кўпайди. Ўтган етти ойнинг ўзида савдо айланмаси 30 фоиздан кўпроқ ўсди. Эътиборлиси, икки томонлама савдо ҳажмининг 70 фоизини юқори қўшилган қўймагли маҳсулотлар ташкил қиладди.

Саноат кооперацияси жадал ривожланмоқда. Кейинги йилларда кон-металлургия, ёқилғи-энергетика, кимё, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, тўқимачилик ва бошқа тармоқларда 100 дан зиёд қўшма лойиҳалар йўлга қўйилди.

Мулоқот чоғида томонлар, энг аввало, электроника, фармацевтика, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатида индустриал-технологик шериклиқни ривожлантириш бўйича комплекс ҳаракатлар режасини қабул қилишга келишиб олдилар.

Мазкур ташриф доирасида машинасозлик, кимё, нефть-кимё ва геология соҳалари бўйича 4,6 миллиард долларлик янги инвестиция битими имзоланиши қайд этилди.

Таъкидлаш жоиз, ҳамкорликни кенгайтиришда ҳудудлар ўртасида ўрнатилган тўғридан-тўғри алоқа муҳим ўрин тутди. Биринчи ярим йилликда 50 га яқин ўзаро ташрифлар уюштирилди.

Томонлар мамлакатимиз шаҳар ва туманларида қўшма саноат парклари барпо этиш, жорий йил октябрь ойда Ўзбекистон ва Россия ҳудудларининг навбатдаги форумини ўтказишга келишиб олдилар.

Шунингдек, Президентлар тадбирларга бой ва кенг қўламли маданий-гуманитар ҳамкорликни юксак баҳоладилар.

Россия олий таълим муассасаларининг хориждаги филиаллари сони бўйича Ўзбекистон етакчи ўринни эгалляпти. Сўнгги тўрт йилда юртимизда ушбу мамлакатнинг 12 та нуфузли олийгоҳи филиали очилди ва республикамиздаги РФ олий ўқув юртлари сони 15 тага етди.

Туризм соҳасидаги алоқа ҳам фаол ривожланмоқда. Жорий йил Россиядан Ўзбекистонга келган сайёҳлар сони пандемиядан олдинги кўрсаткичдан сезиларли даражада ошди.

Томонларни қизиқтирган минтақавий

ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Самимий ва дўстона ўтган учрашув якунида ҳар икки томон Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатини янада мустаҳкамлаш борасидаги интилиш қатъий эканини яна бир бор тасдиқлади.

Самарқанддаги самарали музокара якунида Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Владимир Путин томонидан Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида кенг қамровли стратегик шериклик тўғрисидаги декларацияни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги стратегик шериклик муносабатини сифат жиҳатидан янги босқич бошланганидан дарак беради. Ҳужжатда ўзаро алоқаларга алоҳида эътиборга молик яқин ва самарали шериклик сифатида қаралиши қайд этилган.

Хусусан, сиёсий, савдо-иқтисодий, атом энергетикаси, транспорт, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни аниқ йўналишлар асосида ривожлантириш кўзда тутилган.

Умуман, Ўзбекистон — Россия муносабатининг шартномавий-ҳуқуқий асосини 350 дан зиёд ҳужжатлар ташкил қиладди.

Мулоқот доирасида Шавкат Мирзиёевни мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги улкан хизматлари учун Россиянинг Александр Невский ордени билан мукофотлаш маросими ҳам ўтказилди.

Давлатимиз раҳбарини мазкур орден билан тақдирлаш тўғрисидаги фармон жорий йил июль ойда қабул қилинган эди.

Президентимиз ордени қабул қилар экан, ушбу мукофотни, биринчи навбатда, бутун Ўзбекистон халқининг ўзаро дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси учун эътироф сифатида қабул қилишини таъкидлади.

Қайд этиш жоиз, Александр Невский ордени Россия Федерацияси билан кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига қўмаклашишда хизмат кўрсатган атоқли хорижий сиёсат ва жамоат арбобларига тақдим этилади.

16 сентябрь куни Россия Президенти Владимир Путин Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг навбатдаги саммитида иштирок этади.

ЎЗА.

ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ МУЗОКАРАЛАРДА ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

◀1 Жорий йил стратегик шериклиқни мустаҳкамлашда тарихий давр бўлгани мамнуният билан таъкидланди. Июнь ойда Озарбайжон Президентининг давлат ташрифи якунлари барча даражалардаги мулоқотни мустаҳкамлашга хизмат қилди ва амалий ҳамкорликка янги суръат бағишлади.

Парламентлараро ҳамкорлик ривожланаётгани, савдо ҳажми ошаётгани, энергетика, автомобилсозлик, қишлоқ хўжалиги, пахтачилик ва ипакчиликда қўшма лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилаётгани юқори баҳоланди.

Президентлар маданий-гуманитар алоқаларни янада мустаҳкамлаш муҳимлигини кўрсатиб ўтди. Август ойи охирида икки мамлакатнинг маданият ва фан арбоблари Ўзбекистон ва Озарбайжоннинг юксак давлат мукофотларига сазовор бўлди.

Учрашувда Ўзбекистон — Озарбайжон стратегик шериклик ва амалий ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг асосий вазифалари батафсил кўриб чиқилди, бу борадаги келгуси вазифалар белгилаб олинди. Бўлажак тадбирлар режаси, шу жумладан, Самарқандда ўтадиган Туркий давлатлар ташкилоти саммити кун тартиби келишиб олинди.

Ўзбекистон — Тожикистон муносабатлари юқори суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Олий даражадаги мулоқотлар мунтазамлик касб этган.

Сухбат аввалида Тожикистон етакчиси Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотидаги раислигини юқори баҳолади ва Президентимиз раҳбарлигида Самарқандда рўй берган улкан янгиланишларни алоҳида қайд этди.

Самарқанд саммити якунлари ШХТ доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва ташкилотнинг халқаро нуфузини юксалтириши шубҳасиз экани таъкидланди.

Президентлар биродар мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари изчил кенгайиб, мустаҳкамланаётганини мамнуният билан қайд этишди.

Жорий йил бошидан ўзаро савдо ҳажми 16 фоизга ошди. Иқтисодиётнинг турли тармоқларида, шу жумладан, электротехника, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт ва бошқа соҳаларда қўшма кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Давлат раҳбарлари мамлакатларимиз ва бутун минтақа манфаатларига жавоб берувчи лойиҳа — Яван ГЭСни барпо этиш ишлари бошлангани муҳим аҳамият касб этишини қайд этди.

Ўзбекистон ва Тожикистон етакчилари долзарб халқаро ва минтақавий масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко учрашув аввалида Президентимизга

ШХТ саммитига таклифи учун ташакур иззор этди ҳамда Беларусь Республикасини ушбу нуфузли халқаро тузилмага қабул қилиш жараёнини бошлаш масаласини қўллаб-қувватлагани учун самимий миннатдорлик билдирди.

Икки томонлама кун тартибидеги долзарб масалалар, кўп қиррали амалий шериклиқни изчил кенгайтириш, халқаро ва минтақавий сиёсат юзасидан фикр алмашилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон — Беларусь муносабатлари дўстлик ва шериклик руҳида муваффақиятли ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорлик фаоллашган. Товар айирбошлаш ўтган йили 44 фоизга, жорий йилнинг етти ойда эса яна 12 фоизга ошди.

Томонлар икки мамлакатда савдо уйлари ва логистика марказлари тармоғини кенгайтириш, озиқ-овқатни тезлаштирилган тарзда етказиб бериш бўйича “Агроэкспресс” лойиҳасини ишга тушириш, товарларнинг келиб чиқшини сертификатлаштириш бўйича электрон тизимни жорий қилишга келишиб олдди.

Ўзбекистон ва Беларусь етакчилари машинасозлик, агросаноат, кимё, фармацевтика ва электротехника тармоқларида саноат кооперацияси бўйича ўзаро манфаатли шериклиқни илгари суриш зарурлигини қайд этишди. Мамла-

катларимиз ҳудудларининг саноҳиятидан самарали фойдаланиш муҳимлиги таъкидланди. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда иккинчи Ҳудудлараро форумини ўтказишни таклиф этди.

Томонлар маданий-гуманитар йўналишда, биринчи навбатда, таълим ва кинематография соҳаларидаги ҳамкорлик фаол ривожланиб бораётганини мамнуният билан таъкидлашди.

Т у р к м а н и с т о н Президенти биродар Ўзбекистонда унга кўрсатилган самимий меҳмондўстлик учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Туркменистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедовнинг саломини етказди.

Олий мартабали меҳмон Самарқандда Ўзбекистон Президенти раҳбарлигида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларини алоҳида эътироф этди.

Президентлар Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги аънанявий яқин дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатлари кейинги йилларда сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилгани, аниқ амалий мазмун билан бойиганини мамнуният билан таъкидлади.

Товар айирбошлаш ҳажми барқарор ошиб бораётгани, жумладан, йил бошидан 10 фоизга ортгани кўрсатиб ўтилди. Логистика, саноат, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаларида

қўшма кооперация лойиҳаларини амалга оширилмоқда. Ҳудудлар ҳамкорлиги ҳамда маданий-гуманитар алмашинув кенгайиб бормоқда.

Қирғиз Республикаси раҳбари мамлакатимиз етакчисига самимий меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдириб, Самарқандда амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ишларини юқори баҳолади.

Президентлар стратегик шериклик тамойилларига асосланган сармахсул икки томонлама ҳамкорлик ижобий суръат билан ривожланиб бораётганини мамнуният билан таъкидлади. Ўзаро савдо жадал ўсиб бормоқда, йил бошидан унинг ҳажми 30 фоизга ошди.

Саноат, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт соҳаларида қўшма кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда. Ҳудудлараро ва маданий-гуманитар алмашинувлар кенгаймоқда.

Бутун Марказий Осиё минтақасининг ривожига хизмат қиладиган Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли ва “Қамбарота-1” ГЭСи қурилишини тез фурсатда бошлаш муҳимлиги алоҳида эътибор қаратилди.

Бўлажак олий даражадаги мулоқотлар режаси, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

ЎЗА.

САМИМИЙ ВА ДЎСТОНА МУНОСАБАТЛАР РАМЗИ

Самарқанд шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг самимий давом этмоқда. Аввал хабар қилинганидек, ШХТда иштирок этаётган барча мамлакатларнинг етакчилари Ўзбекистонга келди.

Икки томонлама учрашув ва музокаралар якунлангач, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсух, Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шариф, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган, Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов, Эрон Ислом Республикаси Президенти Иброҳим Раисий, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев “Буюк Ипак йўли” халқаро туризм марказида дарахтлар экди.

Шарқ халқлари қадриятига кўра, дарахт экиш — хайрли иш. Мамлакатларимиз етакчилари биргаликда эккан дарахтлар ҳам ШХТ давлатларининг дўстлиги, яхши қўшничилиги, тараққиёт ва раванқ сари муштарак интилишлари рамзидир.

Давлат раҳбарлари шундан сўнг биргаликда “Буюк Ипак йўли” халқаро туризм марка-

зидаги “Боқий шаҳар” мажмуасига борди.

Ушбу мажмуада қадимий шаҳарларимиз қиёфаси, миллий анъаналаримиз билан бирга, дўст халқлар билан алоқалар тарихи ҳам акс эттирилган. Хусусан, Афросиёб ёдгорлиги деворларида сақланиб қолган Корея, Хитой, Хиндистон ва бошқа мамлакатлар элчиларини қабул қилиш маросими тасвир



«САМАРҚАНД РҲҲИ»

БИРДАМЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК ИФОДАСИ

Бугун бутун дунё нигоҳи Самарқандга қаратилган. Зеро, бу қадим шаҳарда йирик халқаро анжуман — Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммити бўлиб ўтаётир. Ўзбекистон Республикасининг мустақил ва ҳар томонлама ишончли ташқи сиёсати йирик минтақавий ва глобал ташаббусларни дадил илгари сурган ҳолда ШХТ мақонида барча мамлакатлар манфаатларини баланслаш имкониин берди. Маҳаллий ва хорижий экспертлар бу борада яқдил фикрда. Куйида уларнинг фикр-мулоҳазалари билан танишиш мумкин.

Бизнинг интервью

Одри АЗУЛЕ, ЮНЕСКО беш директори: — Асрлар давомида одамлар Самарқандга илм ўрганиш, савдо-сотик билан шуғулланиш, фикр алмашиш учун талпиниб келган. Бу ерда кўплаб миллат, маданият ва дин вакиллари яшаган, буюк ҳамда бетакрор интеллектuali ва моддий бойликлар маскан топган. Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Самарқанд руҳи” — ҳамкорлик, ўзаро англашув ва дўстлик ифодасидир. Самарқанд бугунги кунда ҳам ана шу умумбашарий даъватни ўзида мужассамлаштирмоқда. Шаҳар ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси руйхатида киритилгани буни яна бир бор тасдиқлаб турибди. Самарқанднинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити ўтказиладиган жой сифатида танланишида, шубҳасиз, айнан мана шу омил ҳам бор. Ишончим комилки, саммит минтақавий ҳамкорлик ва ўзаро англашувни янада кенгайтириш, маданиятларни яқинлаштириш ва бойитиш, шунингдек, ШХТга аъзо давлатлар халқларининг анъана ва урф-одатлари ҳақидаги маълумотлар ва билимларни тарқатишга ҳам хизмат қилади. Шу мақсадда ЮНЕСКО ШХТ билан маданий-гуманитар ва таълим соҳаларида алоқаларни ривожлантириш ва мустақамлашга интиломоқда. Стратегик шерикликка содиқ бўлган ЮНЕСКО ва ШХТ келгуси беш йилга мўлжалланган ҳамкорлик тўғрисида янги битим имзолайди.

Ушбу саммит ҳам шериклининг янги механизми расман ишга туширилганидан далолат беради. Бу — ташкилотларимиз ўртасидаги маданий алмашинувларни кенгайтириш йўлидаги муҳим қадам бўлиб, ЮНЕСКО ва ШХТ бошқа йирик минтақавий ишторокчилар билан ишлаш орқали янада кенгайтириш мумкин бўлган ҳамкорлиқнинг муҳим босқичидир. Ишончимиз комилки, ЮНЕСКО ва ШХТ биргаликдаги савий-ҳаракатлари билан барча мамлакатлар ва кўплаб минтақалар халқлари фаровонлиги йўлида аниқ натижаларга эришади.

Наталья СТЕПКИНА, Россиянинг ШХТ Котибиятидаги доимий вакили: — Халқаро муносабатларнинг замонавий тизимида рўй бераётган глобал ўзгаришлар фониди Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлишга қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Бундай истакни билдирган мамлакатлардан муружаатлар келиб тушмоқда, бироқ кенгайиш жараёни осон кечмайди ва у пухта ўйланган ёндашувни талаб қилади. Шу маънода, ШХТни кенгайтириш саммитда асосий масалалардан бири бўлади. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти кимлар биландир дўстлашиб, бошқаларга қаршилик кўрсатиш учун эмас, балки давлатлар билан ҳамкорлик қилиш ва уни ривожлантириш мақсадида тузилган. Шунинг учун ҳам баъзи бир оммавий ахборот воситаларида ёритилаётганидек, уни НАТО билан қиёслаш нотўғри. ШХТнинг моҳияти бутунлай бошқача ва ташкилот Низомиди у ҳарбий блок эмаслиги, унинг фаолияти учинчи давлатлар ва тузилмаларга қарши қаратилмаганили аниқ белгилаб қўйилган. ШХТ консенсус тамойиллари, ўзаро ҳурмат, турли маданиятлар эътирофи, ижтимоий-

маданий анъаналар асосида фаолият олиб боради. Раҳматулла НУРУМБЕТОВ, Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ишлари бўйича Миллий координатори: — Ташкилотнинг мақсади хавфсизликни таъминлаш орқали тараққиётга эришиш. Ўзбекистон бу концепцияни йигирма бир йилдан буён кўплаб-қувватлаб келяпти. Шу нуқтаи назардан, ШХТга раислигимиз доирасида ўтказилган 80 дан ортқ тadbирлар мазкур ғояни яна бир

аҳамиятга молик сиёсий воқеа сифатида эътироф этиломоқда. Аъзо давлатлар ўртасида ўзаро ечимини топмаган муаммолар айнан ҳамкорлик орқали ҳал қилинади. Улар лойиҳалар сифатида амалга оширилади ва қисқа йилларда ўз самарасини беради, дейиш мумкин. Яна бир жиҳат: раислик даврида Самарқанднинг туристик бренди жаҳон бўйлаб янада кенг тарқалди ва бу кейинчалик ҳам давом этадиган жараён. Иқтисодий томондан қарайдиган бўлсак, саммит доирасида икки томонлама ва кўп томонлама қатор ҳужжатлар

маҳсулотларнинг кириб келиши орттишга замин яратади. Акрамжон НЕЪМАТОВ, Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директорларининг биринчи ўринбосари: — Ўттиздан зиёд, жумладан, концептуал ва стратегик ҳусусиятга эга қатор ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилаётган сермазмун кун тартиби саммитнинг яна бир ўзига хос томонини белгилайди. Бу ҳам ташкилот тарихида ҳали кузатилмаган воқелик. Кўтариладиган масалалар орасида ШХТга аъзо мамлакатлар ўзаро боғлиқлигини ривожлантириш ва самарали транспорт йўлақларини яратиш концепцияси, “ақли” қишлоқ ҳўжалиги ва агроинновацияларни жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларини ишлатиш бўйича ҳамкорлик дастури, инфратизимини ривожлантириш, саноат кооперациясини рағбатлантириш, рақамли саводхонлиқни ошириш ва ҳудудлараро савдони кенгайтириш бўйича қўшма ҳаракатлар режаси, юқумли касалликларнинг олдини олиш ва даво-

бирлар режаси, шунингдек, ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарларининг иқлим ўзгаришига муносиб жавоб бериш бўйича қўшма баёноти қабул қилиниши алоҳида эътиборга лойик, Ушбу ҳужжатлар кўп томонлама ҳамкорлиқнинг янги йўналишларини белгилаб бериш баробарида, аъзо давлатлар савий-ҳаракатини бирлаштириш ва бугунги кунда халқаро ҳамжамият олдида турган қаҳирқиларга биргаликда жавоб беришга қаратилган. Ўзбекистон томонидан кўплаб мамлакатлар, қолаверса, ҳудудга қирмайдиган давлатлар манфаатини илгари сурувчи халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг Самарқандга тақийф этилиши, ушбу қарорларни ШХТ таркибидидаги барча давлатлар кўлаб-қувватлаши жаҳонда кучайиб бораётган ишонсизлиқни бартараф этиш, халқаро муносабатларни конструктив ривожланиш йўналишига буриш ва барчанин манфаатларига жавоб берадиган хавфсизлик, барқарорлик ва тараққиётга сезиларли туртки берадиган халқаро ҳамкорлиқни йўлга қўйиш бўйича Ўзбекистон раҳбариятининг кўп томонлама мулоқот учун самарали платформа яратиш йўлидаги қатъий интилишини англаатади. Дарҳақиқат, Самарқанд саммити халқаро муносабатлар тизимига бўлган ишончни тиклашга муҳим ҳисса қўиши, давлатлараро ва кўп томонлама ҳамкорлиқнинг мулоқот ва ўзаро тушунишга асосланган янги босқичга кўтарилиш учун ўзига хос бошланғич нуқтага айланиши қутияпти. Ўзбекистон томонининг саммит давомида БМТнинг Осиё ва Тинч океани бўйича иқтисодий ва ижтимоий комиссияси, ЮНЕСКО, Араб давлатлари лигаси каби ташкилотлар билан шериклик муносабатини расмийлаштириш борасидаги ташаббуси ШХТга аъзо давлатлар олдида турган долзарб масалаларни ҳал этишда халқаро ташкилотлар салоҳиятидан фойдаланиш йўлидаги савий-ҳаракатнинг мантйқий давомидир. Қолаверса, бу ШХТнинг очиклик тамойилига содиқ қолётгани, блоклардан холи экани ва фаолияти учинчи давлатлар ёки халқаро ташкилотларга қарши қаратилмаганини яна бир бор исботлади.

«Халқ сўзи».

Мушоҳада

Шу кунларда бутун дунё нигоҳи яна Ўзбекистонга қаратилган. Мамлакатимиз жорий йилда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислиги доирасида ушбу тузилмага аъзо ва кузатувчи давлатлар раҳбарлари ишторокидаги Самарқанд саммитига мезбонлик қиломоқда.

Янги йўналишларни белгилаб олиш имконияти

Дунё микёсида шиддатли жараёнлар кечаётган бир паллада ўртаётган мазкур нуфузли тadbир юртимизда охириги йилларда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар ҳамда фаол ва очик ташқи сиёсатнинг ўзига хос эътирофидир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Президентимиз томонидан таъкидланганидек, барчанин ва ҳар бир томон манфаатларига жавоб берадиган халқаро ҳамкорлиқни кўп қиррали институтларсиз амалга ошириб бўлмайди. Зеро, халқаро ва минтақавий ташкилотлар давлатлар ўртасидаги турли келишмовчиликларни енгиб ўтиш, ўзаро англашувни мустақамлаш, сиёсий ва иқтисодий ришталарни ривожлантириш ҳамда савдо-сотикни кенгайтириш, маданий-гуманитар алмашинувни рағбатлантиришга ёрдам беради. Самарқанд саммитидан ҳам ана шундай улкан натижалар кутилмоқда, яъни ушбу қадим ва навқирон кент бу борада очик майдон вазифасини ўтайди. Улкан географик маконни қамраб олган ва дунё аҳолисининг қарийб ярмини бирлаштирган ШХТнинг жозибадорлиги унинг турли блоклардан холи мақомга эгалиги, очиклик, учинчи мамлакат ёки халқаро ташкилотларга қарши қаратилмагани, барча ишторокчиларнинг тенглиги ва суверенитетини ҳурмат қилиш, икки ишларга аралашмаслик, сиёсий қарама-қаршилиш ва ихтилофи рақубиликка йўл қўймаслигидандир. Яъни ШХТнинг муваффақият гарови — минтақавий хавфсизликни таъминлаш орқали кўп томонли ҳамкорлиқни илгари суришида. Шу боис ҳам ташкилот фаолиятига қўшилиш истагидаги давлатлар сони тобора кўпайиб бораёпти. Бу тенденция халқаро ва минтақавий муносабатлар тизимини трансформация жараёнини бошидан кечираётган бугунги шароитда кўзга аққол ташланаётир. Ўзбекистон Республикаси ШХТга раислиги доирасида асосий эътиборни ҳамкорлиқнинг янги ўфкларини очиш ва ҳар бир ишторокчи мамлакатнинг фойдаланилган имкониятларини ишга солиш орқали ушбу тузилмани жадал ривожлантириш стратегиясига қаратмоқда. Хозирдан айтиш мумкинки, кечадан ўз ишини бошлаган саммит бизга ШХТга аъзо барча дав-

латлар билан кўп томонлама кооперацияни мустақамлаш, ҳар бир давлат билан икки томонлама ҳамкорлиқни янада кенгайтириш ва кенг қамровли шериклик юзасидан янги йўналишларни белгилаб олиш учун яхши имкониятлар беради. Бунга мисол сифатида давлатлар ўртасидаги икки томонлама манфаатли учрашувларни келтириш мумкин. Жумладан, Самарқанддаги Конгресс марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев расмий таширф билан мамлакатимизда бўлиб турган Эрон Ислмо Республикаси Президенти Иброҳим Раисий билан учрашди. Унда икки томонлама алоқаларни мустақамлаш, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-логистика ва маданий-гуманитар соҳаларда амалий ҳамкорлиқни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Савдо ва транспорт соҳаларидаги шерикликка, икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги ҳамкорликка ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Олий даражадаги Ўзбекистон — Эрон музокаралари якунида икки томонлама битим ва меморандумлар имзоланди. Ўзбекистон раислигида ўтаётган саммит доирасида янги лойиҳаларни амалга оширишга келишиб олиш ҳам кутилмоқда. Асрлар давомида глобал микёсдаги давлатлар ва минтақавий куч марказлари ўртасидаги қарама-қаршилиқларда буфер ролини ўтаб келган Афғонистонни Марказий ва Жанубий Осиёни бловчли кўприк вазифасини бажаришдек янги тинчлик миссиясида намоён этиш шулар жумласидандир. Умуман олганда, Самарқанд саммитидан кўп натижалар кутилмоқда. Президентимиз таъбири билан айтганда, ушбу саммит умумий хавфсизлик ва тараққиёт йўлидаги ўзаро ҳурмат, ишонч, конструктив ҳамкорлик принципларига асосланган янги, инклюзив мулоқотни йўлга қўйиш борасида ўзига хос намуна бўла олади. Зеро, ҳар бир давлат кучли бўлсагина ШХТ ҳам кучли бўлади.

Қутбиддин БУРҲОНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Мудофса ва хавфсизлик масалалари кўмитаси раиси.

Йирик сиёсий ва дипломатик форум

ШХТ — цивилизациялараро мулоқот ва маданий-гуманитар ҳамкорлиқни мустақамлаш учун истикболли платформа ҳисобланади. Ушбу йўналишнинг долзарблиги дунёда ишонсизлик ва антагонистик кайфиятлар кучайиб бораётган шароитда, айниқса, ортаётир. Фикр Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари тизимида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти очик, прагматик ва кенг кўламли манфаатли шериклик йўлини амалга ошириш нуқтаи назаридан кўп томонлама платформа сифатида ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, мамлакатимизнинг юзасидан исбатланган замонавий стратегияси ташаббускорлик, конструктивлик, прагматизм ва жиғсашувга очиклик каби тамойилларга асосланади. Ўзбекистон, аввало, барча ишторокчи мамлакатларнинг ҳаётий манфаатларига жавоб берадиган истикболли йўналишларда амалий ҳамкорлиқни ошириш орқали унинг эволюцияси янги шароитда ташкилотнинг салоҳиятини тўлиқ очиб беришдан манфаатдордир. Ўзбекистоннинг ташкилотга раислиги остида 80 дан ортқ йирик тadbирлар ўтказилди. Улар нафақат ШХТда ўрнатилган ришталар йўналишларини, балки минтақалараро савдо, саноат кооперацияси, инновациялар, қамбағаллиқни қисқартириш, рақамли трансформация ва бошқа соҳалардаги шериклиқни ривожлантириш каби янги йўналишларни ҳам қамраб олади. Президентимиз томонидан Ўзбекистон раислиги даврида илгари сурилган ташаббусларни амалга ошириш мақсадида 14 та янги концептуал ҳужжатлар лойиҳаси ишлаб чиқилди. Улар ШХТ доирасидаги ҳамкорлик соҳаларини мазмунан бойитиш ҳамда институционал кенгайтириш, ўз навбатида, ташкилотнинг кенг ҳудудида улкан транспорт ва транзит салоҳиятидан самарали фойдаланишга қаратилган. Ушбу савий-ҳаракатлар орқали Ўзбекистон ўз шериклари билан биргаликда ШХТ имкониятларидан фойдаланган ҳолда, Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой, Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар, Ланҷоу — Қашкар — Ирқештом — Ўш — Андижон — Тошкент — Мари ва ҳозирги геоиқтисодий шароитда ўзига хос стратегик аҳамиятга эга бўлган бошқа транспорт йўлақларини амалиётга татбиқ этишни жадаллаштириш ниятида. Бу лойиҳаларнинг рўёби Евроосиё минтақасидаги давлатларнинг ўз маҳсулотларини Хитойдан тортиб Европага қабул қилинган ҳудудда арзон ва қулай тартибда ташиш имкониятларини кенгайтиради. Давлатимиз раҳбарининг кеча Самарқанд

шаҳрида Қирғизистон Президенти Садир Жапаров, ХХР Раиси Си Цзиньпин, Эрон Ислмо Республикаси Президенти Иброҳим Раисий билан учрашувларида ҳам ана шу транспорт-транзит йўлақларини тезроқ ишга тушириш масалалари муҳокама қилинди. Ўзбекистоннинг ШХТ мақонидаги ўзаро боғлиқлик стратегияси Афғонистоннинг бутун Евроосиё учун ноёб иқтисодий ва транзит ролини тиклашга ҳам хизмат қилади. Афсуски, дунёда юз бераётган айрим воқеалар туфайли халқаро ҳамжамиятнинг Афғонистонга бўлган эътибори бир оз сусайди. Бугунги воқелик ШХТдан янада аниқ ҳаракатларни амалга ошириш ва Афғонистоннинг минтақавий ташаббусларга, шу жумладан, инфра-тузилма лойиҳаларига жалб этишни талаб қилади. Шу боис ШХТ доирасида Афғонистоннинг урушдан кейинги ривожланиш стратегиясига доир консолидациялашган ёндашувларни ишлаб чиқиш, табиийки, мамлакатимизнинг ташкилотга раисли-

гидаги асосий устувор йўналишлардан бири бўлди. Энг муҳими, Ўзбекистон Президенти томонидан белгиланган ШХТга раислиқнинг устувор йўналишлари томонларинг манфаатларига тўлиқ жавоб беради. Янги Ўзбекистоннинг фаол дипломатиясида Самарқанд мамлакатимизнинг энг муҳим халқаро ташаббусларини илгари суриш учун ноёб платформа бўлиб хизмат қиломоқда. Умуман, Самарқанднинг ноёб мероси ва янги бунёдкорлик қудрати ШХТнинг ишонч, ўзаро манфаат, тенглик, маданиятлар хилмаҳиллигига ҳурмат билан ёндашиш ва муштарак тараққиёт тамойилларига тўла мос келади. Самарқанд саммитида ташкилотни янада ривожлантириш учун тарихий аҳамиятга эга бўлган қатор муҳим қарорлар қабул қилинади. Ишончимиз комилки, Ўзбекистоннинг ШХТга раислиги сарҳисоб этиладиган Самарқанд саммити йирик сиёсий ва дипломатик форум ҳамда ташкилотнинг кейинги эволюцияси йўлидаги муҳим қадам сифатида тарихга муҳрланади. Зеро, самарали халқаро ҳамкорлик дунёни барқарор, ишончли ва фаровон қилади.

Ойбарчин АБДУЛЛАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

Мақсадли индикаторлар ижроси қай аҳволда?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитасида Молия вазирлиги ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлиги мутасаддиларининг “2022 йил учун бюджет харажатлари ва ривожлантириш дастурларининг мақсадли индикаторлар ижроси бўйича амалга оширилган ишлари” юзасидан ахбороти эшитилди. Давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори билан 40 та биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилари каби Давлат активларини бошқариш агентлигининг ҳам 2022 — 2024 йиллар учун бюджет маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ мақсадли индикаторлари тасдиқланган. Хозирги кунда белгиланган индикаторлар ижроси сўзсиз таъминлаб келинмоқда. Хусусан, ҳусусийлаштириладиган давлат улуши мавжуд корхоналар сонини 150 тага, ҳусусийлаштирилдиган давлат кўчмас мулкларини сонини 250 тага етказиш бўйича ҳисобот даврида белгиланган режа-жадвалга асосан 37 та давлат улуши 1,5 трлн. сўмга сотилган бўлиб, белгиланган режадаги 150 та давлат улушини учинчи ҳамда тўртинчи

Йўғилишда Молия вазирлигининг мақсадли индикаторларнинг бажарилиши бўйича Давлат бюджетни дарамадларининг ЯИМга нисбатан улуши — йиллик режа 24 фоиз бўлиб, ҳақиқатда 23,8 фоизга, Давлат бюджет харажатларининг ЯИМга нисбатан улуши — йиллик режа 26 фоиз бўлиб, ҳақиқатда 26,4 фоизга бажарилгани ҳамда “Ташаббусли бюджет” порталида иштирок этаётган фуқаролар (жами аҳоли сонига нисбатан) йиллик режа 5,5 фоиз бўлиб, ҳақиқатда 12,7 млн. нафари иштирок этиб, жами аҳолига нисбатан 17,9 фоизни ташкил қилгани ижобий баҳоланди. Шу билан бирга, “Ташаббусли бюджет” порталида ўрнатилган айрим талаблар фуқароларнинг эътирозларига сабаб бўлаётгани, айниқса, ижтимоий тармоқларда билдирилаётган фикр-мулоҳазаларни ўрганиб бориш кераклиги ва портални доимо тақомиллаштириб, аҳолига янада қулайликлар яратиш лозимлиги қайд этилди. Айниқса, Молия вазирлигининг мақсадли индикаторлари бўйича 2022 йилда Давлат бюджетни маблағлар хисобидан 433,5 млрд. сўм маблағ режалаштирилган бўлиб, шундан жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига

Хотин-қизлар муружаатларига ижобий ечим топилди

Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги Шарқ юлдузи маҳалласида Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси раиси Малика Қодирхонова ҳамда тегишли вазирлик ҳамда муассасалар масъул ходимлари билан биргаликда хориждан қайтган меҳнат мигрантларини ва пробация ҳисобида турган хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда улар бандлигини таъминлашга бағишланган навбатдаги учрашув бўлиб ўтди. Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси раиси Малика Қодирхонова ҳамда тегишли вазирлик ҳамда муассасалар масъул ходимлари билан биргаликда хориждан қайтган меҳнат мигрантларини ва пробация ҳисобида турган хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда улар бандлигини таъминлашга бағишланган навбатдаги учрашув бўлиб ўтди. Учрашув жараёнида пробация ҳисобида турган ва миграциядан қайтган 50 нафардан зиёд хотин-қизлар қатнашиб, уларнинг қийнаб келаётган масалалар юзасидан муружаат қилди. Ўз навбатида, иш билан таъминлаш, тиббий хизмат кўрсатиш, суд қарорлари ижроси, уй-жой билан таъминлаш ва бошқа масалалар юзасидан уларга ҳуқуқий маслаҳат ва тушунтиришлар берилди. Эътиборлиси, мулоқот давомида бир қатор муружаатларга ижобий ечим топилди. Масалан, фуқаро М. Йўлдошевага шаҳар клиник шифохонасида даволаниши учун тумандаги 62-оилавий поликлиника томонидан ордер берилди. Иш сўраб муружаат қилган Г. Ваҳובהва масаласи туман

«Халқ сўзи».



БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши бутун дунё бўйлаб мазкур соҳадаги вазиятнинг назорат қилар экан, давлат раҳбарларига тавсияларини бериб боради. Ушбу халқаро органга кирган ҳар бир мамлакат инсон ҳуқуқлари соҳасида намуна бўлиши керак. Шу маънода, кенгаш аъзоси бўлган Ўзбекистон ўз мажбуриятларини масъулият билан бажармоқда.

“Ўзбекистон ушбу органга кириб, нима фойда кўрди?” деган савол турғилади. Энг аввало, халқроқ саҳнадаги фуқаролик шу кунгача ҳуқуқ ва қонун устуворлиги борасида эришилган ютуқларни асраб-авайлаш ва ривожлантириш учун имкон берди. Бундан ташқари, давлат идораларида масъулиятни ошириш, очиқлик ва ошқораликни таъминлаш, мажбурий меҳнатга қарши курашиш, афв этиш ва оқлов, адлия ислохоти, суд мустақиллиги, уруш майдонларидан ватандошларни олиб келиш, қийноқларга барҳам бериш, жазони ўташ муассасаларини мониторинг қилиш, гендер тенглик ва бошқа жабҳаларда ҳам ижобий ўзгаришларни амалга оширишни давом эттириш гаровидир. Ўзбекистонда халқроқ мажбуриятларни бажариш учун ирода етарли. Олий Мажлисида бунинг учун махсус комиссия тузилган.

Қолаверса, мамлакатимиз ёпиқ жамиятдан очиқ жамиятга айланмоқда. Мана шу трансформациянинг жараёни фақат Ўзбекистон учун эмас, халқроқ ҳамжамият учун ҳам аҳамиятлидир. Шу боле республика ўз таърибасининг дунё билан баҳам қўришдан тортинмайди. Ўзбекистонда тизим мукамал ва шу боис у халқроқ органларга кириши керак, дея иддао қилинмайди. Лекин раҳбариятда ҳам, фуқаролик жамиятида ҳам тараққиёт сари қучли ирода ва ишонч бор.

Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашга аъзолик юзасидан янграган кенг доирали фикрлардан бири шуки, Ўзбекистон авваллари БМТ билан ҳамкорликка юзаси қарар, айниқса, ҳуқуқ билан боғлиқ йўналишлардан ўзини олиб қочар эди. Шу боис ҳам унинг бугунги фаоллиги ижобий баҳоланиши керак. Ўзбекистон ўз ихтиёри билан бу мажбуриятларни зиммасига олаптими, демек, инсон ҳуқуқлари ҳимоясига янада жиддий эътибор қаратади.

БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳам ўтган йиллардаги ҳамкорлик мисли қўрилмаган қўламда кенгайганини эътироф этди: катта лойиҳа ҳамда дастурлар ишга солинган ва бу идора Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ислохотлар дастурига ишонади ҳамда қувватлайди. Ваколатхонанинг умиди шуки, Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашга аъзолик Ўзбекистоннинг бу йўналишда олға юриши учун хизмат қилади. Қисқа вақт ичида мамлака-

Биз ва дунё

Юртимизда демократиянинг асосий талаби бўлган инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, сўз ҳамда виждон эркинлигини таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бунинг амалий ифодаси улароқ, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси тарихда илк бор Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзолигига сайланди. Бу эса ушбу йўналишдаги ислохотларимиз халқроқ ҳамжамият томонидан эътироф этилаётганининг яққол тасдиғидир.

2019 йилнинг 13 октябрида Нью-Йоркда бўлиб ўтган сайловларда БМТ Бош Ассамблеясининг делегатлари ташкилотнинг бош ҳуқуқ ҳимояси органи — Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг янги 15 аъзосини сайлади. Ўзбекистон тарихда биринчи марта 2021 — 2023 йиллардаги давр учун кенгаш аъзолигига сайланди. 2022 йилнинг январидан БМТнинг Женевадаги идораси вакили мамлакатимизнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши раиси ўринбосарлигига сайланди.



ЭЪТИРОФ ВА МАСЪУЛИЯТ

Ўзбекистон ислохотлар йўлидан ортга қайтмайди.

даги суд ҳокимияти фаол ишламоқда. Энг муҳими, жамиятда Конституцияга ва мамлакат қонунларига ҳурмат тобора юксалиб борапти.

“Инсон шаъни ва қадр-қиммати йўлида” устувор принциплари ҳаётда ўз тасдиғини топтомоқда. Президентимиз таъбири билан айтганда, “Албатта, инсон қадрини биз учун қандайдир мавҳум, баландпарвоз тушунча эмас. Инсон қадрини деганда, биз, аввало, ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечиришини, унинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни назарда тутамиз. Инсон қадрини деганда, биз ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма ташкил этишни, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизими, соғлом экологик муҳит яратиб беришни тушунамиз”.

Дарҳақиқат, инсон қадр топса, унда яратувчанлик, изланиш, ўз устида ишлаш ва ҳаётдан розилик кайфияти баланд бўлади. Шу боис мамлакатимизда инсонни эъзозлаш, унинг ҳуқуқ

цияси БМТнинг расмий ҳужжати сифатида қабул қилинди.

Ўзбекистон барқарор тараққиёт соҳасида БМТ билан яқин ҳамкорлик қилмоқда. БМТнинг 2030 йилгача кун тартибда бўлган масалаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон ҳукумати томонидан 2030 йилгача даврни қамраб олган барқарор тараққиёт соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар қабул қилинди, 16 та миллий мақсад ҳамда 125 та вазифа тасдиқланди. Уларнинг имплементацияси бўйича “Йўл харитаси” қабул қилинди, Парламент комиссияси ва ҳукумат ҳузурида Мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилди. Илк бор Барқарор ривожланиш мақсадларини бажариш бўйича ихтиёрий миллий шарҳ тақдим этилди.

Президентимиз томонидан қабул қилинган Харакатлар стратегияси ва Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси БМТ Барқарор ривожланиш мақсадлари ихросининг беш йиллик “йўл хариталари” ҳисобланади. 2021 йилнинг июнида Бухоро шаҳри-

фуқаролик берган ҳолда, аҳолининг заиф қатламлари ҳаётини яхшиламоқда. Ушбу воқеа дунёнинг барқарор ривожланиш соҳасида мақсадларга эришиш бўйича ўн йиллик харакатларини бошлаётган бир пайтда, Ўзбекистоннинг ҳеч бир инсонни ҳал этилмаган муаммо билан ёлғиз ташлаб қўймаслигининг қатъий тарафдори эканини кўрсатди”, дея қайд этди.

Айни вақтда мамлакатимизда қонунчилик ихтимодий-иктисодий тараққиётнинг устувор йўналишларини, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умум-эътироф этилган халқроқ стандартларни, шунингдек, БМТ Устав органлари ва шартномавий қўмталарининг тавсияларини инobatта олган ҳолда тақомиллаштирилмоқда. Ўзбекистон БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссияси раиси бўлиб, Ўзбекистон билан самарали ҳамкорлик ва мунтазам мулоқотни йўлга қўйган. Мазкур бошқарма билан биргаликда 2020 йилнинг июнида биринчи марта Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси қабул қилиниб, изчиллик билан амалга оширилмоқда. У БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий қўмталарининг тавсияларини ихросини кўзда тутди. Миллий стратегияни қабул қилишда нафақат эксперт доиралар, балки кенг жамоатчилик ва халқроқ ташкилотларнинг фикри ҳам инобатга олинган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия доирасида гендер тенглик, сўз ва дин эркинлигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш борасида аниқ чоралар қабул қилинган. Жумладан, 2021 — 2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси тасдиқланди; “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” Қонун қабул қилинди; 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси тасдиқланди; Инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқроқ мажбуриятларига риоя этилиши бўйича Парламент комиссияси ташкил қилинди; Ўзбекистонда 2025 йилгача давлатнинг ёшларга оид сиёсатини ривожлантириш концепцияси амалга оширилди, у БМТнинг “Ёшлар — 2030” стратегиясида баён этилган “Ёшлар билан ишлаш ёшлар манфаатида” принципига асосланган.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон ташқи дунё масалалари ва тавсияларини ҳеч қачон ҳозиргиналик инobatта олмаган. Тўв муаммоларни тан олиб, уларга ечим излаш, ҳар жиҳатдан тараққиёт этиш, глобал меъёрларни татиб қилиш, ҳар бир соҳада ҳаёт таърибасини ўрганиш сари қадамлар ташланаётгани бунинг яққол исботи. Хорижий экспертларни ва ватандошларни жалб этиш, давлат идораларида уларнинг қўмағига таянган ҳолда ўзгаришлар қилиш, иқтисодиёт, молия ва сармоя ҳамда давлат бошқаруви ва умуман, тизимли ислохотларда йирик халқроқ ташкилотлардан маслаҳатчиларни тақлиф этиш бугунги Ўзбекистон учун табиий ҳолга айланган ҳам аниқ ҳақиқат. Янги қонунлар устида ишлашдан тортиб, уларни амалга ошириш ва назорат қилишга халқроқ мутахассисларнинг тавсияларини кенг тарзда инобатга олинмоқда.

Хулоса ўрнида айтганда, Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашга кириш яқин йилларда мамлакатимизнинг инсон ҳуқуқлари бобида илгор давлатлар сафидан ўрин олишга хизмат қилади. Ўзбекистон 2016 йилда бошланган ислохотларни, адолат ва қонун устуворлиги томон йўлни кенгроқ очаверди, орқага қайтмайди. Ислохотлар самарасини эса ташқи дунёнинг мамлакатимизга бўлган ишончи мустаҳкамлаиб бораётганида қўриб турибмиз.

Рустам ҲОТАМОВ,
Ички ишлар вазирлиги Академияси бошлиғи.

ТИНЧЛИК, МАЪРИФАТ ВА ТАРАҚҚИЁТГА ЧОРЛАГАН САНЪАТ АНЖУМАНИ

Азалдан эзгулик ва тинчлик, маърифат ва маданият маркази бўлган Тошкент яна бир нуфузли санъат анжуманига мезбонлик қилмоқда. Президентининг Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қайта ташкил этилган “Ипак йўли дурдонаси” XIV Тошкент халқроқ кинофестивалининг очилишига бағишланган тантана бўлиб ўтди.

Фестиваль

Пойтахтимизда фестивалъ шукуҳи кезиб, унинг доирасидаги турли тадбирлар анча илгари бошланган бўлса-да, анжуманининг кунки кеча ўтказилган очилиш маросими ҳақиқий мега-шоуга айланди. Дастлаб, анъанага кўра, халқроқ фестивалнинг ҳаётини ва юртимиз кино юлдузларидан иборат иштирокчилари қизил йўлак бўйлаб тантанали тарзда ўтди. Сўнгра бу машҳур инсонлар билан фотосессиялар ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ипак йўли дурдонаси”

ҳада халқроқ ҳамкорлиқни янада кенгайтириш, ёш иқтидорларни камолга етказиш, дунё жамоатчилиги орасида инсонпарварлик, ўзаро тотувлик, ҳамжиҳатлик, маърифатга интилиш ва бошқа эзгу ғояларни тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Инсон онги ва қалбини асраш бениҳоя долзарб бўлган, тинчлик-осойишталик қадрини тобора ошиб бораётган бугунги глобаллашув замонида санъатнинг сеҳрли қучидан унинг фойдаланиш лозим, — деди Хиндустоннинг Кинематографияни ривожлантириш



XIV Тошкент халқроқ кинофестивали иштирокчиларига табриқини Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Одил Абдурахмонов ўқиб эшиттирди.

Табриқда қайд этилганидек, “Тинчлик, маърифат ва тараққиёт учун” деган эзгу ғоя асосида ўтказилаётган мазкур анжуманда ҳаётнинг 35 давлатидан 300 дан зиёд кино усталари иштирок этаётгани ярим асрдан ортқ тарихга эга бўлган Тошкент халқроқ кинофестивали бугун — янги Ўзбекистон шароитида янги намуна ва қиёфага эга бўлиб, санъат оламида янада муносива обрў-эътибор топиб бораётганидан далolat беради.

Дарҳақиқат, барча соҳада ишлатилиб ўзгаришлар кечаётган Ўзбекистонда янгилашлар нафасидан кино соҳаси ҳам четда қолгани йўқ. Зеро, ушбу муъжизавий санъат инсон тафаккурини, диди ва дунёқараши, маънавий оламни юксалтиришда гоят беназир таъсир қилган эга. Томошабин ушбу санъат қудрати боис маълум муддат янги бир дунёда яшайди, қаҳрамонлар тимсолида оруз-армонларини рўёбини кўради. Олдида эзгу мақсадлар қўйиб, юксак марралар сари интилиш учун маънавий куч, баланд руҳ олади.

Шу боис Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон кинематографиясини ривожлантириш, ўзбек киносининг тарихий шукратини қайта тиклашга қаратилган кенг қўламли ишлар олдиги боришмоқда. Жумладан, “Ўзбеккино” Миллий агентлиги негизида Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги ташкил этилди. “Ўзбекфильм” давлат концернининг замонавий биноси ва павильонлари фойдаланишга топширилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 июндаги қарорига мувофиқ, 1968 — 1997 йиллар давомида Ўзбекистонда ўтказиб келинган “Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг Тошкент халқроқ кинофестивали” сурат ва сийратлар ангиланиб, “Ипак йўли дурдонаси” Тошкент халқроқ кинофестивали номи билан қайта тикланди.

Юртимизда иккинчи бор ўтказилаётган ушбу фестивалъ миллий кино санъатимизнинг ўнгиши ва бугунги теран назаар солиш, ривожланиш истиқболларини белгилаш, со-

миллий корпорацияси бошқаруви раҳбари Равиндер Бахар. — “Ипак йўли дурдонаси” Тошкент халқроқ кинофестивали ана шу эзгу мақсад йўлида соҳа иқдорларини — таниқли кинопродюсерлар, режиссёрлар ва кино юлдузларини яна бир бор серқуёш Ўзбекистонга жамлади. Бугун дунё кино соҳаси ихлосомандларининг ниғоҳи ҳам бугун юртингизга қаратилган, десак, мунобола эмас. Анжуман ниҳоятда кўтаринки руҳда бўлиб ўтмоқда. Ишонамизки, “Тинчлик, тараққиёт ва маърифат учун” шiori остида ташкил этилган ушбу санъат байрами турли халқлар ва мамлакатлар ўртасида тинчлик-тотувлик, тараққиёт, маънавий, маърифат, дўстлик ва ҳамкорлик ғояларини кенг ёйишда мустаҳкам қўриқ бўлиб хизмат қилади.

Айтиш жоизки, жорий йилда кинофестивалга қизгин ҳозирлик қўрилди. Пойтахтимиздаги Киночилар ўли негизида кино-кластер ташкил этилиб, ушбу кластер 1500 нафардан ортқ ёш киноижодкорлар, шу соҳада таълим олаётган йилит-қизларни бирлаштирди. Бу ерда турли тақдиротлар, маҳорат дарслари, амалий машғулотлар учун зарур барча шарoит яратилди.

“Ипак йўли дурдонаси” иккинчи лойиҳасининг 100 дан ортқ қизилқарли ва ранг-баранг тадбирлари наинки Тошкент шаҳрида, балки мамлакатимизнинг барча ҳудудига ўтказилмоқда. Юртимиз ва ҳаётини кино санъати усталарининг 150 дан ортқ фильмлари катта экранларда намойиш этилмоқда. Фестиваль доирасида Ўзбекистон ва ҳаётини киночилари ўртасида ўзаро манфаатли келишувлар, меморандумлар имзоланмоқда. Дунёнинг кўпгина мамлакатларининг кино кунлари бўлиб ўтмоқда. Янги фильmlарнинг премьералари, киноюлдузлар билан учрашувлар муҳлисларга унутилмас ҳаяжон ва таассуротлар тўхта этаптир.

Тантанали кечада ҳаётини кинематографиясига катта ҳисса қўшган бир гуруҳ кино усталари махсус мукофот — статуэткалар билан тақдирланди.

Тадбирда миллий ва ҳаётини киносидан ёрқин лавҳалар намойиш этилди. Юртимиз ва турли хорижий мамлакатларнинг санъаткорлари иштирокида концерт дастури ўтказилди.

Дилшод КАРИМОВ
(«Халқ сўзи»).

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жағмармаси жағмарининг Василлик кенгаши аъзоси
Искандар РАҲМОНОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 948. 23 666 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни юклай олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўқловхона 71-232-11-15.

ISSN 0013-6788

Тахририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфия ҳиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуготчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исмолов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.45 Топширилди — 05.05 1 2 3 4 5 6